



ВЫСШАЯ ШКОЛА

раскрытие научной новизны исследований

декабрь (24) 2018

В номере:

- Некоторые вопросы развития налоговой системы Китая
- Педагогические способности, их виды и формирование
- Модель парных слов как одна из словообразовательных моделей фитонимов алтайского языка
- Методика обучения элементам математического моделирования в процессе решения текстовых задач

ВЫСШАЯ ШКОЛА

Научно-практический журнал
№24 / 2018

Периодичность – два раза в месяц

Учредитель и издатель:

Издательство «Инфинити»

Главный редактор:

Хисматуллин Дамир Равильевич

Редакционный совет:

Д.Р. Макаров

В.С. Бикмухаметов

Э.Я. Каримов

И.Ю. Хайретдинов

К.А. Ходарцевич

С.С. Вольхина

Корректурa, технический редактор:

А.А. Силиверстова

Компьютерная верстка:

В.Г. Кашапов

Опубликованные в журнале статьи отражают точку зрения автора и могут не совпадать с мнением редакции. Ответственность за достоверность информации, изложенной в статьях, несут авторы. Перепечатка материалов, опубликованных в «Журнале научных и прикладных исследований», допускается только с письменного разрешения редакции.

Контакты редакции:

Почтовый адрес: 450000, г.Уфа, а/я 1515

Адрес в Internet: www.ran-nauka.ru

E-mail: mail@ran-nauka.ru

© ООО «Инфинити», 2018.

ISSN 2409-1677

Тираж 500 экз. Цена свободная.

СОДЕРЖАНИЕ

ЭКОНОМИЧЕСКИЕ НАУКИ

<i>Курпаяниди К.И., Толибов И.Ш.</i> Некоторые вопросы развития налоговой системы Китая	5
<i>Каршиев Ш.Э., Давлатов Ж.Ш.</i> Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш истиқболлари	8
<i>Янгибоев Д.Г., Давлатов Ж.Ш.</i> Фермер хўжаликларини замонавий техника билан таъминлашда лизинг хизматининг ўрни	10
<i>Янгибоев Д.Г., Абдусаматова Х.Х.</i> Фермер хўжаликларида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш йўллари	12
<i>Янгибоев Д.Г., Абдусаматова Н.Х.</i> Мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда қишлоқ хўжалигининг ўрни	14

ЮРИДИЧЕСКИЕ НАУКИ

<i>Arakelyan A.K.</i> Documents received via computer techniques as a written proof	16
---	----

ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ

<i>Самарова Ш.Р.</i> Педагогические способности, их виды и формирование	19
<i>Халмуминова О.Ж.</i> Сравнительный анализ экологическое воспитание и образование учеников за рубежом и в Республике Узбекистан	21
<i>Махмудов Ю.Г., Суюнов А.Д.</i> Решение задач с экологическим содержанием на уроках физики	24

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ

<i>Наджафова Р.В., Кергилова Л.А.</i> Модель парных слов как одна из словообразовательных моделей фитонимов алтайского языка	27
--	----

ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИЕ НАУКИ

<i>Кардаильская О.С., Порожня С.И.</i> Методика обучения элементам математического моделирования в процессе решения текстовых задач	29
<i>Арипова Ш.</i> Ўқувчиларнинг изланиш ва тадқиқотчиликка йўллаш методи ҳақида	33
<i>Султонова Ў.Н., Оромиддинов С.Б.</i> Талабаларни мустақил ўқув фаолиятини ташкил этишда семинар машғулотлари	35

НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ РАЗВИТИЯ НАЛОГОВОЙ СИСТЕМЫ КИТАЯ

Курпаяниди Константин Иванович

*Доктор наук по философии по экономике, профессор Российской академии
естествознания, Ферганский политехнический институт,*

г.Фергана, Республика Узбекистан

E-mail: w7777@mail.ru

Толибов Исломбек Шухратжон ўғли

студент 3 курса факультета «Управления в производстве»,

Ферганский политехнический институт, г.Фергана, Республика Узбекистан

В Китайской Народной Республике основным источником дохода государственной казны являются налоговые платежи. Это совсем не удивительно, учитывая тот факт, что к 2018 году население Китая возросло практически до полутора миллиардов человек. В стране практически нет такого понятия как теневая экономика, поэтому ежемесячно каждый гражданин выплачивает налоговые сборы. Налоги в Китае должны платить не только граждане страны, но и мигранты, приехавшие туда на работу.

Государственная Налоговая Администрация КНР является полномочным органом управления в сфере налогообложения на всей территории Китая. Она разрабатывает налоговые законопроекты и устанавливает планы сбора налогов на провинциальном уровне. Министерство Финансов КНР также время от времени издает циркуляры, содержащие вопросы, касающиеся налогообложения. Но сбор налогов на местном уровне является компетенцией Налоговой Администрации. Государственная Налоговая Администрация и Министерство Финансов, однако, оба имеют право принимать решения по таким вопросам, как уменьшение ставки налогов, предоставление иных налоговых льгот и исключений[1].

Современная налоговая система Китая включает 25 видов налогов, которые по признаку их природы и функций можно классифицировать по 8-ми группам:

1. *Группа налогов с оборота.* Сюда входят налог на добавленную стоимость, потребительский налог и предпринимательский налог. Объектом налогообложения для этих налогов является объемы оборотов или реализации у налогоплательщиков в сфере производства, реализации или обслуживания.
2. *Группа налогов с дохода.* Она включает налог на прибыль предприятий (применительно к таким предприятиям-резидентам, как предприятия, находящиеся в государственной собственности, предприятия, находящиеся в коллективной собственности, частные предприятия, предприятия совместного хозяйствования, акционерные предприятия), налог на прибыль предприятий с иностранными инвестициями и иностранных предприятий, а также подоходный налог с физических лиц. Объектом налогообложения здесь служит прибыль, полученная производителем или посредником, а также личные доходы физических лиц[2].
3. *Группа налогов за пользование ресурсами.* Сюда входят налог за пользование природными ресурсами (природная рента) и налог за пользование землями городов и городских районов. Плательщиками этих налогов являются пользователи природных ресурсов и земель в городах и городских районах. Эти налоги отражают возмездный характер пользования государственными природными ресурсами и имеют своей целью регулировать доходы тех налогоплательщиков, которые имеют доступ к природным ресурсам.
4. *Группа налогов специального назначения.* Это налог на поддержание городского строительства, налог на занимаемые пахотные угодья, регулирующий налог на инвестиции в недвижимость и налог на передачу оцениваемой недвижимости.
5. *Группа имущественных налогов.* Сюда входят налоги с владельцев домов, налог на городскую недвижимость и налог на имущество, переходящее в порядке наследования (до настоящего времени

не введен)[3].

6. *Группа налогов и сборов, взимаемых при совершении определенных действий.* Сюда входят налог на использование автотранспорта и судов, налог на использование регистрационных номеров транспортных средств и судов, гербовый сбор, пошлина при продаже жилой недвижимости, налог с оборота ценных бумаг (до настоящего времени не введен), налог на забой скота и налог на банкеты. Объектом обложения этими налогами являются соответствующие действия налогоплательщика.
7. *Группа сельскохозяйственных налогов.* Сюда входят сельскохозяйственный налог (включая налог с сельскохозяйственной деятельности) и налог на животноводство. Плательщиками этих налогов являются предприятия, организации или физические лица, получающие доходы от ведения сельского или животноводческого хозяйства[4].
8. *Группа таможенных пошлин.* Таможенными пошлинами облагаются товары и другие объекты, импортируемые в Китай или экспортируемые из Китая.

Налог на прибыль предприятий применяется ко всем предприятиям с иностранными инвестициями и иностранным компаниям, получающим доходы в Китае.

Размер налога устанавливается ежегодно в течение пяти месяцев после окончания года. Ежеквартальные платежи этого налога производятся на основании этой цифры, однако, при предоставлении ежеквартальных отчетов. Любые суммы, оплаченные свыше необходимой суммы налога, возвращаются или зачитываются в следующие периоды. Налог рассчитывается в юанях. Размер налога рассчитывается на основании валовой прибыли в течение года за минусом себестоимости, расходов и убытков. Ставка налога – 30% для предприятий, зарегистрированных в Китае. Для тех предприятий, которые в Китае не зарегистрированы, ставка составляет 20% (часто этот налог называется «удерживаемым»), и в случае отсутствия бухгалтерской отчетности в Китае, данный налог часто рассчитывается на основании общей суммы контракта. Существуют также ставки налога в размере 15% и 24%, которые применяются по отношению к предприятиям с иностранными инвестициями, учрежденным в некоторых специальных районах Китая и занимающихся определенной деятельностью. По данному налогу предприятиям с иностранными инвестициями, занимающимися определенными видами деятельности, могут предоставляться налоговые каникулы на срок до пяти лет.

Подходный налог с физических лиц ставка налога является прогрессивной в зависимости от размера зарплаты, могут быть также некоторые региональные различия, а в некоторых случаях существует даже возможность для переговоров с налоговыми органами. Но, в общем, для иностранцев, работающих в Китае, применяются следующие ставки (Исчисление, отчетность и периодичность оплаты данного налога – ежемесячные):

Ежемесячный доход в размере 4000 юаней КНР налогом не облагается. (1 USD ~ 6 юаней КНР) Сумма, превышающая размер 4000 юаней, облагается налогом по следующим ставкам:

4000 – 4500	5%	44001 – 64000	30%
4501 – 6000	10%	64001 – 84000	35%
6001 – 9000	15%	84001 – 104000	40%
9001 – 24000	20%	104001 и выше	45%
24001 – 44000	25%		

Налог на добавленную стоимость исчисляется в размере 17% и взимается при продаже товаров и некоторых услуг. Хотя в итоге налог оплачивается конечным потребителем, он взимается на всех этапах производства и реализации. Обязательство по оплате НДС возникает немедленно при выставлении инвойса (не после его оплаты), что означает, что НДС может должен быть взыскан даже несмотря на возможный безнадежный долг. Некоторые свободные торговые зоны возмещают часть НДС за товары, продаваемые за пределы зоны, однако такая практика не приветствуется со стороны Центрального Правительства, поэтому вскоре возможно прекращение существования подобной льготы.

Санкции за нарушения налогового законодательства

Никакие правительства не любят уклонения от налогов, и Китай в этом правиле не исключение. Штрафы за просрочку уплаты, за неуплату налогов и другие нарушения (незнание не является оправданием) могут быть суровыми – часто до пятикратной суммы задолженности с погашением также и основного обязательства. В случаях явного нарушения закона могут изыматься лицензии и конфисковаться средства. Если у вас имеются какие-либо сомнения в правильности исчисления и уплаты налогов – немедленно обращайтесь за профессиональной помощью, ибо этот вопрос один из тех, где лучше всего не допускать путаницы. Деньги, потраченные на хорошую консультацию намного меньше сумм штрафов и других санкций.

Плательщики таможенных пошлин — грузополучатели, импортирующие разрешенные товары, и грузоотправители, экспортирующие разрешенные законодательством товары. Первые уплачивают импортные (ввозные) таможенные пошлины, вторые — экспортные (вывозные)[5].

Ставки пошлин: Различают ставки импортных пошлин и экспортных.

Ставки импортных пошлин подразделяются на общие и преференциальные. Общие применяются в отношении тех стран, с которыми КНР не заключила соглашения о льготном налогообложении, преференциальные — в отношении тех стран, с которыми КНР заключила соглашения о льготном налогообложении[6].

Освобождаются от уплаты пошлин: грузы (товары), стоимостью менее 10 юаней; рекламные изделия и образцы товаров, не предназначенные для продажи; товары, безвозмездно предоставленные международными организациями или иностранными представительствами.

Определенные льготы могут предусматриваться в международных соглашениях, заключенных КНР с другими странами.

По сырью, материалам, полуфабрикатам, комплектующим изделиям, ввозимым для доработки (переработки) или производства экспортно-ориентированной продукции могут сначала пошлины взиматься при ввозе этих изделий, а затем возвращаться в части, равной завершеному производству товаров или доработанных и направленных на экспорт изделий.

В заключении необходимо отметить, что практика налогообложения в КНР будет интересна и фискальным органам Республики Узбекистан в свете принятия Концепции налоговой реформы.

Список литературы:

1. Поспелова Е. Б. Современная налоговая система Китая: налоги на доходы и имущество физических лиц //Интернет-журнал Науковедение. – 2014. – №. 6 (25).
2. Лыкова Л. Н., Букина И. С. Налоговые системы зарубежных стран //М.: Юрайт. – 2013. – С. 68.
3. Куклина Е. А. Ресурсные налоги в экономике современного Китая //Научно-исследовательский финансовый институт. Финансовый журнал. – 2015. – №. 2. – С. 89-97.
4. Клавдиенко В. Налоговое стимулирование исследований и инноваций в бизнес-секторе Китая // Проблемы теории и практики управления. – 2018. – №. 2. – С. 38-47.
5. Баринов А. Я., Майбуров И. А., Иванов Ю. Б. Перспективы совершенствования налоговой системы // Инновационное развитие экономики. – 2017. – №. 4. – С. 7-16.
6. Тун В. Развитие финансовой системы КНР в условиях проведения налоговых реформ //Проблемы современной экономики. – 2017. – №. 4. – С. 160-163.

КЎП ТАРМОҚЛИ ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Каршиев Шоймардон Эломонович

ТДАУ “Агрологистика” кафедраси доценти

Давлатов Жушкинбек Шавкат угли

ТДАУ “Қишлоқ хўжалигида менежмент” таълим йўналиши талабаси

Аннотация. Мақолада кўп тармоқли фермер хўжаликлари ривожлантириш ва бу орқали мамлакат иқтисодиётини юксалтириш, қишлоқ аҳолисининг турмуш фаровонлигини ошириш ҳамда фермер хўжаликларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш йўллари келтирилган.

Калит сўзлар. Кўп тармоқли фермер хўжалиги, иш билан таъминлаш, озиқ-овқат хавфсизлиги, экспорт, импорт, бандлик, молиявий барқарорлик, ижтимоий инфратузилма, хизмат кўрсатиш.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар жараёнида фермер хўжаликларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Сабаби фермер хўжаликлари мамлакат аҳолисини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш билан биргаликда, қишлоқ аҳолисини иш билан бандлигини таъминлайди, қишлоқ жойларда қўшимча хизмат турларини ташкил қилган ҳолда ижтимоий инфратузилмани секинлик билан шаҳар даражасига яқинлашишига хизмат қилади. Шу боис ҳозирги пайтда фаолият юритаётган фермер хўжаликларининг барчаси 20121 йилнинг 1 январига кўп тармоқли фермер хўжалигига айлантирилиши белгилаб қўйилди. Бундан кўзланган асосий мақсад фермер хўжаликларининг даромадларини ошириш, ўзини-ўзи пул маблағлари билан таъминлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини хом-ашё сифатида эмас, балки тайёр маҳсулот сифатида экспорт қилиш ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан аҳолини таъминлаш ҳамда қишлоқ аҳолисини турмуш фаровонлигини таъминлаш кўзда тутилган.

“Кўп тармоқли фермер хўжалиги” – фермер хўжалиги ташкил этилиши пайтида ер участкаларини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасида белгиланган асосий ихтисослашув йўналишидан бошқа соҳаларда фаолиятни йўлга қўйган фермер хўжаликларига айтилади.

Кўп тармоқли фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг қўшимча тармоғи икки хил шаклда, **асосий тармоқ билан боғлиқ ҳолда ёки асосий тармоқ билан боғлиқ бўлмаган** соҳаларда ташкил этилиши мумкин. Хусусан:

- қўшимча тармоқ асосий тармоқ билан боғлиқ ҳолда ташкил этилганда – масалан, фермер хўжалиги сабзавотчилик йўналишида (асосий тармоқ) фаолият юритса қўшимча тармоқ сифатида сабзавотни қайта ишлаш цехлари фаолиятини йўлга қўйиши, маҳсулотларни тайёрлаш, ташиниш ва сақлаш, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш каби соҳаларда ўз фаолиятини кенгайтириши назарда тутилади;
- қўшимча тармоқ асосий тармоқ билан боғлиқ бўлмаган соҳаларда ташкил этилганда – масалан, фермер хўжалиги пахта ғаллачилик йўналишида (асосий тармоқ) юритса қўшимча тармоқ сифатида аҳолига таранспорт хизмати кўрсатиш, хўжалик қошида кичик тикув цехларини ташкил этиш каби соҳаларда ўз фаолиятини кенгайтириши назарда тутилади.

Фермер хўжаликларида қўшимча тармоқларни йўлга қўйиш - фермер хўжаликлари асосий фаолият йўналиши бўйича етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига қўшимча равишда иқтисодиётнинг бошқа соҳаларидаги хўжалик юритиш субъектларида ишлаб чиқарилаётган хомашё ва ярим тайёр маҳсулотларни сақлаш, қайта ишлаш ва қадоқлаш, шунингдек, турли йўналишда таъминот ва хизмат кўрсатиш соҳалари фаолиятини ташкил этган ҳолда, ўз даромадини қўшимча молиявий манбалар асосида барқарор кўпайтиришни таъминлашга қаратилган фаолияти ҳам ҳисобланади.

Фермер хўжаликларида қўшимча тармоқ асосий тармоқ билан боғлиқ бўлмаган соҳаларда ташкил этилганда ҳудудий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда қуйидаги йўналишларда фаолиятни йўлга қўйиш мумкин (1-расм).

**Қўшимча тармоқни асосий тармоқ билан боғлиқ бўлмаган соҳаларда
ташкил этиш йўналшлари**



1-рasm.

Кўп тармоқли ишлаб чиқаришни ташкил қилишдаги муҳим шартлардан бири бу - ҳар қандай фермер хўжалиги ўз даромадини (соф фойда) ошириш мақсадида ўз хоҳишига кўра ихтиёрий равишда қўшимча тармоқларни ташкил этган ҳолда кўп тармоқли фермер хўжалигига айланиши мумкинлигидир. Бу борадаги фермернинг фаолияти тўлиқ ихтиёрий ва фермер хўжалигининг хусусий манфаатларига бўйсиниши лозим.

Қўшимча тармоқлар фаолиятини йўлга қўйиш асосида фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жойларнинг ўзида ортиқча нобудгарчиликларга йўл қўймасдан қайта ишлаш, рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариб, уларни ички ва ташқи бозорларга чиқариш ҳамда қишлоқларда иш жойлари яратиш, қишлоқ аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, ҳаёт фаровонлигини яхшилашга ҳисса қўшади. Бу кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш асосида жамият кўрадиган наф ҳисобланади.

Кўп тармоқли фермер хўжаликларида қўшимча тармоқ фаолияти ҳисобига етиштирилган маҳсулотлар фермер хўжаликларининг ички истеъмолига йўналтирилиши ва шунингдек бозорга чиқарилиши ҳам мумкин. Лекин, иқтисодий жиҳатдан қўшимча тармоқ юқори товарлилик даражасига эга бўлиши мақсадга мувофиқ. Бу кўп тармоқли фермер хўжалигини ривожлатиришда қўйилган мақсад ва вазифаларга ҳам мос келади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолиятини йўлга қўйиш орқали мамлакатимиз аҳолисини сифатли, тўйимли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, фермер хўжаликларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, қишлоқ аҳолисини иш билан доимиш бандлигини таъминлаш, уларга хизмат кўрсатиш тизимини йўлга қўйиш каби масалаларни ижобий таъсир кўрсатади. Натижада мамлакат иқтисодиётини юксалишига ижобий таъсир кўрсатади, аҳолисини яшаш шароитини яхшилашга ёрдам беради, саноат ва бошқа тармоқларнинг маҳсулотини истеъмол қилганлиги учун улар фаолиятини ривожланишига ижобий таъсирини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Ш.М.Мирзиёев "Қишлоқ хўжалик ходимлари куни"га бағишланган маросимидаги нутқи. //Халқ сўзи, 2017 йил 10 декабрь.
2. Қишлоқда бизнес юритишнинг молиявий-иқтисодий, ташкилий жиҳатлари. Қўлланма. / Х.К. Мамарасулов, А.А.Ташматов, Н.И.Джумабаева, Х.Х.Саидакбаров, И.Б.Рустамова, Б.Досов, М.К.Йўлдошев, А.Расулов, О.Шомуратов, А.Кадырходжаев, Ш.Эрназаров, А.Содиқов. - Т.: 2013 й.
3. Умурзоқов Ў.П. ва бошқалар. Фермер хўжалиги иқтисодиёти. Т.: Иқтисод – молия. 2008 й.
4. www.agro.uz
5. www.agriculture.uz
6. www.stat.uz

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКА БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА ЛИЗИНГ ХИЗМАТИНИНГ ЎРНИ

Янгибоев Дилшод Гуломович

ТДАУ “Агробизнес ва инвестицион фаолият” кафедраси ассистенти

Давлатов Жушкинбек Шавкат угли

ТДАУ “Қишлоқ хўжалигида менежмент” таълим йўналиши талабаси

Аннотация. Мақолада фермер хўжаликлари фаолиятини замонавий технологиялар билан таъминлашда лизинг хизматининг ўрни ва аҳамияти ёритилган.

Калит сўзлар: моддий-техника базаси, лизинг хизмати, замонавий техника, инфратузилма, хизмат кўрсатиш.

Ўзбекистон Республикасида фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришида муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Шунинг учун фермер хўжаликларини моддий-техника базасини замонавий техника ва технологиялар билан таъминлаш долзарб масалалардандир. Фермер хўжаликларини замонавий техника ва технологиялар билан таъминлашда лизинг хизматининг ўрни беқиёсдир. Шу боис мамлакатимиз мустақилликка эришган кейин лизинг хизматини ривожлантиришга катта аҳамият берилди. Жумладан, лизинг хизматлари бозорининг тўўлақонли амал қилишини ташкиллаштириш мақсадида лизинг фаолиятига ихтисослашган меъёрий-ҳуқуқий асосларни шакллантириш зарурияти туғилди. Ва шу боис 1998 йилнинг декабр ойида Ўзбекистон Республикаси «Лизинг тўғрисида»ги қонун лойиҳаси Олий Мажлиснинг сессиясига муҳокама учун киритилди. 1999 йил 14 апрелда эса Олий Мажлиснинг қарори билан Ўзбекистон Республикасининг «Лизинг тўғрисида»ги қонуни кучга кирди.

Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги қонунда лизинг ижара муносабатларининг алоҳида тури бўлиб, унда бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тарафнинг (лизинг олувчининг) топшириғига биноан учинчи тарафдан (сотувчидан) ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг шартномасида белгиланган шартларда бериб қўйиш мақсадида мол-мулкни (лизинг объектини) олади, деб белгиланган.

Мол-мулкни қўлга киритиш, унга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш соҳасидаги иқтисодий-ҳуқуқий муносабатларининг йиғиндиси бўлмиш лизингнинг мазмунини тадқиқ этишга киришганда шуни таъкидлаш керакки, у пул ва товар шаклида рўёбга чиқадиغان молиявий, шу жумладан, кредит муносабатларига асосланувчи мулкнинг муносабатларининг йиғиндиси. Лизинг корхоналарнинг асосий капиталига сафарбар этиладиган инвестицияларни молиялаштиришнинг ноанъанавий усули бўлиб, анъанавий банк кредити эвазига маблағ ажратиш ёки бевосита инвестицияларни молиялаштириш усулларига нисбатан аниқ - равшан устунликларга эгадир. Лизинг муносабатларининг асосини молиявий муносабатлар, шу жумладан кредит ва ижара муносабатлари йиғиндиси ташкил этади, шулар ёрдамида замон ва ҳудуд маконида капиталнинг ҳақиқий қийматини сақлаш ёки кўпайтириш мақсадида молиявий ресурсларни қайта тақсимлаш жараёни содир бўлади. Асбоб-ускуналарнинг ишлаб чиқарувчилари ўз маҳсулотларини лизинг битими асосида сотиш орқали уларнинг сотилмай қолиш ва фойдани йўқотиш рискларидан қутилади.

Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш соҳасида лизинг хизматлари кўрсатиш бўйича «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги техникаларини фойдаланувчилар томонидан лизинг орқали харид қилиниши қулайлиги ва мақбуллигини кўрсатмоқда. Бу, Ҳукуматимиз томонидан лизинг соҳасида яратилган имтиёзлар натижасидир. Ҳукуматнинг 2000 йил 2 ноябрдаги “Қишлоқ хўжалигини лизинг шартларида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ фермер хўжаликлари, машина-трактор парклари ҳамда ҳудудий “Қишлоқхўжаликкимё” акциядорлик жамиятлари учун “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг”

компанияси 66 хизматидан фойдаланишда бир қатор имтиёзли лизинг шартлари белгиланган. Бу имтиёзларга - лизинг объекти қийматининг 15 фоизини олдиндан тўлаб берилиши, тракторлар ва ўрим-йиғим техникаларининг фермер хўжаликлари ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилоятидаги машина-трактор паркларига 10 йил муддатга, бошқа вилоятлардаги машина-трактор паркларига ва «Қишлоқхўжаликкимё» акциядорлик жамиятларига 7 йил муддатга лизингга берилиши, лизинг фоизи йиллик миқдорининг Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан ошмаслиги киради. Компаниянинг асосий мижозлари: - фермер хўжаликлари; - машина-трактор паркларига; - «Қишлоқхўжаликкимё» компаниясининг ҳудудий (вилоят ва туман) бўлинмалари; - «Агротехсервис» корхоналари; - ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналаридан иборатдир. Компания томонидан лизинг операциялари амалга оширилишида қуйидаги лизинг шартлари қўлланилади:

Тракторлар ва комбайнлар учун:

- аванс - техника қийматининг 15 % миқдорида;

- лизинг муддати – 10 йил;

- лизинг даромади фоизи – Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизи миқдоридан ошмайди.

Бошқа турдаги қишлоқ хўжалик техникалари учун:

- аванс - техника қийматининг 20-40 % миқдорида;

- лизинг муддати – 3 йилгача; - лизинг даромади фоизи лизинг шартномаси шартлари асосида белгиланади.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигига техника етказиб беришда қуйидаги 3 турдаги иқтисодий механизмдан фойдаланилмоқда:

- лизинг компанияси томонидан қарз (кредит)га олинган маблағ ҳисобидан лизинг объектини сотиб олиб, лизинг олувчига етказиб берилиши;

- тижорат банклари томонидан Марказий банкдан олинган кредит ёки ўз маблағи ҳисобидан лизинг объектини сотиб олиб, лизинг олувчига етказиб берилиши;

- тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги корхонасига техника сотиб олиш учун кредит ажратилиши.

“Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” компанияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағи ҳисобидан лизингга бериладиган Техникалар нархига Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 2 майдаги 126- сонли қарорига асосан 8,14% чегирма қўлланилиши белгиланган. Кейинги 5 йил ичида республикаимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида лизинг фаолиятини янада ривожлантириш истиқболлари мавжудми ва агар мавжуд бўлса, бунга қандай асос, замин ва имкониятлар бор деган савол бўлиши табиий. Шунинг тўла ишонч билан айтиш мумкинки, республикаимиз қишлоқ хўжалигида кейинги йилларда ҳам лизинг фаолиятини катта одимлар билан ривожланиши учун ҳамма асослар бор ва имкониятлар яратилган.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, қуйидагича хулоса қилиш мумкин. Бугунги кунда лизинг фаолияти соҳаси Ўзбекистонда иқтисодиётнинг жадал ривожланаётган соҳаларидан бири ҳисобланади. Лизинг ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчи ўртасидаги ўзига хос кўприк бўлиб, бунда ишлаб чиқарувчи ўз ишлаб чиқарган маҳсулотини лизинг орқали тезда сотиш, истеъмолчи корхона эса, лизинг ёрдамида кам маблағ сарфлаш орқали янги техника олиш ва ўз машина трактор паркни жадал янгилаш имкониятига эга бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Зокиров О., Худойбрдиев Т., Пардаев А. Агроиқтисодиётни эркинлаштириш шароитида техникадан самарали фойдаланиш. - Т.: Фан ва технология, 2005.

2. Фозибеков Д.Ф. ва бош. Лизинг муносабатлари назарияси ва амалиёти. – Т.: Фан ва технология, 2004. – 308 бет.

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ Фойдаланиш йўллари

Янгибаев Дилшод Гуломович

ТДАУ “Агробизнес ва инвестицион фаолият” кафедраси ассистенти

Абдусаматова Хилола Хасан кизи

ТДАУ “Қишлоқ хўжалигида менежмент” таълим йўналиши талабаси

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида қишлоқ хўжалигида амалга ошириладиган иқтисодий ислохотларнинг муҳим йўналишлардан бири – меҳнатга бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш, ҳар бир қишлоқ хўжалиги корхоналарида меҳнат унумдорлигини оширишга катта эътибор қаратилди.

Сўнги йилларда қишлоқ хўжалигида олиб бориладиган иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири фермерлик ҳаракатини ривожлантириш бўлиб, бу жараён қишлоқ хўжалигида банд бўлган меҳнат ресурсларидан фойдаланишдаги таркибий ўзгаришларга сабаб бўлди. Хусусан, собиқ ширкат хўжаликлари ўрнида фермер хўжаликларининг ташкил этилиши ҳисобига қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар сонининг кескин камайишига эришилди, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш имконияти яратилди.

Фермер хўжаликларида меҳнат муносабатларини ташкил этишда меҳнат унумдорлиги билан билан бир қаторда бошқа кўрсаткичлардан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан:

Вақт меъёри – маълум операцияларни бажариш, маҳсулот бирлиги ишлаб чиқариш ва комплекс тарзда ишларни бажариш учун зарур бўлган вақт сони бўлиб, меҳнат фақат тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича баҳоланса, ушбу кўрсаткич ишлаб чиқариш босқичларини алоҳида элементларини такрор ишлаб чиқариш учун зарур бўлган меҳнат сарфларини ифодалайди.

Ишлаб чиқариш меъёри вақт кўрсаткичининг тескариси бўлиб, вақт бирлигида ишлаб чиқариладиган натурал маҳсулотлар бирлиги, бажарган операциялар сонини кўрсатади. Амалиётда вақт бирлиги сифатида бир иш сменаси қабул қилинган бўлиб, вақт меъёри ва технологиялар билан таснифланувчи турли операцияларни бажарувчи банд бўлганларни барча ишлари бўйича ишлаб чиқариш меъёрини аниқлашда вақт меъёри (ВМ) ва сменаларнинг давомийлиги (СД) жамланиб, ишлар бўйича банд бўлган кишилар сонига кўпайтирилиб (БК) вақт меъёрий суммасига бўлинади.

Хизмат кўрсатиш меъёри эса хизмат кўрсатиш ва ёрдамчи ходимларни режалаштиришда қўлланилади. Масалан, қишлоқ хўжалиги техникалари хизмат кўрсатиш меъёри бирлик ёки двигателлик қувватида акс этиши мумкин.

Хўжаликнинг битта ишловчисининг ишлаб чиқариши – сон, миқдор ва натурал кўрсаткичларда ишлаб чиқарилган маҳсулот қийматини, умумий ходимлар сонига нисбати билан аниқланади.

Фермер хўжалиги учун ушбу кўрсаткичлар унинг хўжалик фаолиятини тўлиқ таҳлил этишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, меҳнат унумдорлиги орқали бевосита маҳсулот ишлаб чиқаришда банд бўлганларни ҳисобга олса, битта ишловчи ишлаб чиқариш ҳисоб-китоби эса барча хўжалик аъзолари, жумладан, ёрдамчи ва бошқарув ходимлари ҳам ҳисобга олинади.

Булардан ташқари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида меҳнат унумдорлигини махсус кўрсаткичларидан ҳам фойдаланилади:

- вақт бирлиги ичида бажариладиган қишлоқ хўжалиги ишлари ҳажми (гектар/соат ёки тонна/соат ўлчов бирликларида). Ушбу кўрсаткич аралаш характерга эга бўлиб, бир томондан баъзи иш турларини бажаришда хизмат кўрсатиш меъёрига (га/соат) тўғри келса, бошқа жиҳатдан эса, асосий ишлаб чиқарувчи ишчиларнинг меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи ҳисобланади. Шунингдек, кўрсаткичлар оғирлик бирлигини вақт бирлигида ўлчанишида, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш назарда тутмай, балки бошқа ёрдамчи характерда меҳнат турлари инobatга олинади;

- 1 гектар қишлоқ хўжалиги экинларига ишлов бериш меҳнат сарфлари (киши/соат). Бу кўрсаткич юқорида келтирилган кўрсаткичнинг тескариси бўлиб, меҳнат сарфлари миқдорини аниқ ҳисоб-китобини олиб боришда қўлланилади;

- чорвачиликда бир бош ҳайвонга хизмат кўрсатиш меҳнат сарфи (киши/соат) кўрсаткичи вақт меъёри бўлиб, бевосита чорвачиликда банд бўлган ишчи ва жами ходимларнинг меҳнат сарфларини таҳлил этишда фойдаланиладиган универсал характерга эгадир. Бироқ, ушбу кўрсаткич, аксарият жиҳатдан их-

тисослашган фермер хўжаликларида қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

- чорвачиликда ишчига тўғри келадиган ҳайвон (соғувчиларга бўғри келадиган сигирлар сони). Ушбу кўрсаткич турли йўналишда ихтисослашган фермер хўжаликларида меҳнатдан самарали фойдаланишни баҳолашда қўлланилиши мумкин;

- чорвачиликда алоҳида операцияларни бажариш меҳнат сарфлари (соат) локал вақт меъёри кўрсаткичи бўлиб, фермер хўжалигини бошқа хўжаликлар билан меҳнат сарфларини динамик тарзда таққослашни таҳлилини амалга оширишда фойдаланилади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларини ҳисоблашда тайёр маҳсулотни баҳолашни баъзи хусусиятлари инобатга олиниши лозим. Масалан, ялпи маҳсулот қиймати бўйича кўрсаткичлар ҳисоб-китоби жонли меҳнатдан самарали фойдаланишни аниқ баҳолашга имкон берсада, фермер хўжаликлари умум ишлаб чиқариш самарадорлигини баҳолашда сотилган маҳсулотлар кўрсаткичларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Қишлоқ хўжалиги ялпи ва сотилган маҳсулот ўртасида фарқ ички айланмалар ва ички истеъмолга сарф қилинган маҳсулот қисми билан изоҳланади (масалан, уруғлик, бузоқларни озиқлантириш учун сут ва бошқалар).

Фермер хўжалигида меҳнат унумдорлиги бевосита ва билвосита кўрсаткичлар ёрдамида аниқланади.

Меҳнат унумдорлиги ялпи маҳсулотнинг уни ишлаб чиқариш учун сарфланган иш вақтига (киши-соат) нисбати билан аниқланиб, меҳнат унумдорлигининг бевосита кўрсаткичи қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$M_y = \frac{Y_m}{X} \quad (1.1)$$

бунда:

M_y - меҳнат унумдорлиги;

Y_m - ялпи маҳсулот (ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори);

X - ялпи маҳсулотни етиштириш учун сарфланган иш вақти (киши/соат).

Бу кўрсаткич ялпи маҳсулот кўлами қанча кўп бўлса ва уни етиштириш учун сарфланган иш вақти қанча кам бўлса, меҳнат унумдорлиги шунча юқори бўлишини кўрсатади. Қишлоқ хўжалигида кўпинча маҳсулотлар бир йилда бир марта ишлаб чиқарилади. Шунинг учун меҳнат унумдорлиги бевосита кўрсаткичлар: вақт ҳисобига бажарилган қишлоқ хўжалик иши ҳажми, бир гектар қишлоқ хўжалик экинини ишлаш учун сарфланган меҳнат, бир бош қорамол боқиш учун сарфланган меҳнат каби кўрсаткичлар ёрдамида аниқланади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига меҳнат ресурсларини жалб қилиш даражасини тавсифловчи кўрсаткич меҳнат ресурсларидан фойдаланиш коэффициенти ҳисобланади. Ишчи кучидан иш вақтида тўлиқ фойдаланишни ифодаловчи кўрсаткичларга қуйидагилар киради:

- бир ходим томонидан амалда бажарилган иш куни сони;

- ишчи кучидан фойдаланиш коэффициенти.

Хулоса ўрнида, фермер хўжаликларида меҳнат унумдорлигини ошириш орқали мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш имконияти яратилади, моддий-техника ресурсларидан оқилона фойдаланиш учун замин яратилади, интенсивлик даражаси яхшиланади ва пировардида фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш самарадорлиги ортади.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Абдурахмонов. Меҳнат иқтисодиёти. Тошкент, 2004.
2. Саматов Г.А., Ёдгоров Ж.Ё., Рустамова И.Б. қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш. Дарслик. Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» нашриёти, 2005 йил.

МАМЛАКАТ АҲОЛИСИНИ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ ЎРНИ.

Янгибаев Дилшод Гуломович

ТДАУ “Агробизнес ва инвестицион фаолият” кафедраси ассистенти

Абдусаматова Нозимахон Хасан қизи

ТДАУ “Қишлоқ хўжалигида менежмент” таълим йўналиши талабаси

Аннотация. Мақолада мамлакат аҳолисини озиқ-овқат хавфсизлиги билан таъминлашда қишлоқ хўжалигининг ўрни ва аҳамияти таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: озиқ-овқат хавфсизлиги, тиббий миғёрлар, “зарурий минимум” даражасида, суткалик истеъмол.

Ҳозирги кунда, озиқ-овқат хавфсизлиги замонавий давлат иқтисодий хавфсизлигининг асосий таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, уни таъминлаш билан боғлиқ масалалар кўпчилик ривожланган мамлакатларнинг миллий хавфсизлиги концепцияларида муҳим ўрин эгаллаган.

Озиқ-овқат хавфсизлиги деганда, давлат ва жамиятнинг аҳолини, оддий шароитларда, ҳар бир инсоннинг тўлиқ, соғлом жисмоний ва ижтимоий ривожланиши учун етарли бўлган сифат ва миқдорда, ҳамда фавқулотда вазиятларда соғлиги ва иш қобилиятини сақлаб туриш учун лозим бўлган минимал миқдорда озиқ-овқат билан таъминлаш қобилияти тушунилади.

Ўз навбатида, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлиги ҳолатини қуйидаги асосий мезонлар бўйича аниқлаш мумкин:

- регламентда белгиланган “етарли” ва “зарурий минимум” даражаларига нисбатан овқатланишнинг реал даражаси ва сифати;
- мамлакат агросаноат ишлаб чиқариши даражасининг, аҳолини доимий тарзда, “зарурий минимум” даражасида, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун етарли бўлиши;
- озиқ-овқат ўтувчи ва стратегик захираларининг мамлакат аҳолиси томонидан озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишган регламентдаги даражаларига нисбатан даражаси;
- минимал иш хақи, пенсия ва нафақаларнинг ижтимоий ҳимояланмаган аҳоли қатламлари озиқ-овқат маҳсулотларига регламентдаги “етарлича” даражада эга бўлиши учун етарлиги.

Замонавий илмий адабиётларда озиқ-овқат таъминотининг етгита даражаси фарқланади:

• **биринчи даража** жон бошига тўғри келадиган ўртача суткалик истеъмолни 1800-2300 ккал-га тенг бўлишини назарда тутди, бу сурункали тўйиб овқатланмасликни енгиб ўтиш ва аҳоли кўпайишига шароит яратиш учун етарли ҳисобланади;

• **иккинчи даража** аҳоли жон бошига суткалик истеъмол 2300-2800 ккал бўлганда озиқ-овқат ресурслари ҳажми шундай даражага эришганини тавсифлайдики, унда эпизодик очлик эълон қилишлар рад этилади, ва аҳоли сонининг мустаҳкам ўсиши таъминланади;

• **учинчи даража** учун жон бошига суткасига 2800-3600 ккал истеъмол қилиш тавсифийдир. Бу дегани, озиқ-овқат ресурслари аҳолининг барқарор овқатланиш эҳтиёжини қондириш учун етарли эканлигини билдиради;

• **тўртинчи даражада** аҳоли жон бошига суткасига 2300-3500 ккал тўғри келади ва озиқ-овқат маҳсулотлари оқсиллар, витаминлар ва бошқа муҳим таркибий элементлар бўйича мажбурий тарзда мувозанатлашиши кўзда тутилади;

• **бешинчи даража** талабларига эса аҳоли жон бошига нафақат мувозанатлашган, балки экологик соф маҳсулотлар истеъмоли киритилган;

• **олтинчи даража** мувозанатлашган, экологик соф маҳсулотларни нафақат ўртача аҳоли жон бошига, балки унинг барча ижтимоий гуруҳлари томонидан истеъмол қилиниши назарда тутилади;

• озиқ-овқат таъминотининг **еттинчи даражаси** инсон табиатини такомиллаштириш, унинг фаол ҳаётий фаолиятини узайтириш имконини беради.

Ривожланган Ғарб мамлакатларида инсоннинг кундалик энергетик эҳтиёжи қуйидаги учта даража бўлинади:

- оптимал - 3500-2500 ккал/сутка;
- етарли бўлмаган - 2500-1500 ккал/сутка;
- мушкул - 1500-1100 ккал/сутка ва ундан ҳам кам, яъни озиқ-овқат маҳсулотлари калорийлигининг кескин қисқариши.

Мамлакатимизда сўнгги йиллардаги озиқ-овқат ҳавфсизлиги даражасини баҳолаган ҳолда хулоса чиқариш мумкинки, у “етарли бўлмаган” соҳада, аммо вазият “мушкул” эмас, яъни Ўзбекистонда инсоннинг кундалик энергетик эҳтиёжи суткасига 2500-1700 ккал-ни ташкил этади. Аҳоли озиқ-овқат таъминотини баҳолашнинг муҳим босқичи сифатида аҳоли томонидан асосий маҳсулотларни (оқсиллар, ёғлар, витаминлар ва минерал моддалар) реал истеъмолини, овқатлар умумий калориялигини ҳисоблаш хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси аҳолисинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи даражаси 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал. Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондирилиш даражаси

Маҳсулотлар	Ишлаб чиқариш ҳажми (минг т.)	Импорт (минг т.)	Озиқ-овқатнинг ресурс салоҳияти (минг т.)	Меъёрлар бўйича аҳолининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжи (минг т.)	Истеъмолчиларни қондириш даражаси (%да)	Чекланиш (+) (минг т.)
Нон ва нон маҳсулотлари	2569,6	1357,4	3927,0	2062,1	190,4	+1864,9
Картошка	777,2	3,0	780,2	1379,8	56,5	-599,6
Сабзавотлар	2935,6	0,6	2936,2	2760,2	106,4	+176,0
Полиз экинлари	479,2	-	479,2	495,3	96,7	-16,1
Мевалар	842,9	16,1	859,0	1650,2	52,1	-791,2
Узум	516,4	0,1	516,5	351,3	147,0	+165,2
Гўшт ва гўшт маҳсулотлари	513,1	20,7	533,8	750,5	71,1	-216,7
Сут ва сут маҳсулотлари	3721,3	10,6	3731,9	7702,9	48,4	-3971,0
Тухумлар (млн. дона)	1368,9	968,8	2337,7	7502,5	31,2	-5164,8
Шакар	28,5	366,9	395,4	490,3	80,6	-94,9
Ўсимлик ёғи	191,7	22,6	214,3	222,4	96,4	-8,1

Жадвалдан кўришиб турганидек, қатор маҳсулотлар бўйича (картошка, мевалар, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотлари, тухумлар) эҳтиёж қондирилишининг паст даражаси кузатилади. Бир вақтнинг ўзида, таъкидлаш жоизки, республика маҳсулотларнинг кўпчилиги турларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва импортидан воз кечиш имкониятига эга. Ушбу маҳсулот турларининг асосий қисми деҳқон ва фермер хўжаликларида ишлаб чиқарилади, ва иқтисодиётнинг ушбу секторида ишлаб чиқаришни кўпайтириш имкониятлари мавжуд.

Бундан келиб чиққан ҳолда, давлат даражасида озиқ-овқат ҳавфсизлигига турли йўллар билан эришиш мумкин: **биринчи йўл** етарли ҳажмларда ўз ишлаб чиқаришини ривожлантиришдан иборат бўлади, **иккинчи йўл** – ўз ишлаб чиқариши, қисман импорт; **учинчи** – қисман ўз ишлаб чиқариши ва импорт.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги хулосага келиш мумкин. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари озиқ-овқат истеъмолини таъминловчи асосий омил эканлигини инобатга олиб, соҳада ишлаб чиқариш самарадорлигини сифат ҳамда салмоқ жиҳатдан кўпайтириш озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминловчи асосий омиллардан ҳисобланади. Шу боис асосий эътиборни озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилишдан кўра, ички ишлаб чиқаришга асосий эътибор қаратилса, озиқ-овқат ҳавфсизлиги муаммоси бартараф этилади, мамлакат (асосан қишлоқ) аҳолиси иш билан бандлиги таъминланади.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947-сон Фармони. Lex.uz

Д.Н.Саидова, И.Б.Рустамова, Ш.А. Турсунов. “Аграр сиёсат ва озиқ-овқат ҳавфсизлиги”. Ўқув қўлланма. Т.: “ЎЗР Фанлар Академияси Асосий кутубхонаси” босмахонаси нашриёти, 2016.

DOCUMENTS RECEIVED VIA COMPUTER TECHNIQUES AS A WRITTEN PROOF

Arakelyan Arshaluys Kamo

A Lawyer

Annotation. *The presented work is devoted to electronic information, which is considered as a type of written evidence.*

Particularly, the concept, the significance and the features of the evidence obtained through the use of computer technology were discussed and analyzed within the framework of the work. It is also considered the court procedural order of examination of evidence obtained through computer technique.

Keywords. *Proof, computer technics, electronic, information, fact*

As we know, civil proceedings are aimed to conduct a fair trial within a reasonable timeframe and to resolve a civil dispute. This means the establishment of factual circumstances substantiating the demands and objections of the parties and the proper application of the material right to them. Proof is the mental and procedural activity of the court and the parties involved in the case, which is directed to the disclosure of the truthfulness of the case and the settlement of the legal dispute. All the subjects of civil proceedings are involved in the trial.

